

Маҳаллаларда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамайили асосида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди



Термиз туман 3-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Ўктам Мустафоқулов ўзига бириктирилган маҳаллаларда бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин қизлар фаоли, ёшлар етакчилари ҳамда профилактика инспектори билан учрашиб, маҳалла фуқароларини қийнаб келаётган муаммо ва мурожаатлар ҳусусида суҳбатлашди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудини “обод ва хавфсиз маҳалла” айлантириш, кўчалар бўйлаб ободонлаштириш ишларини олиб бориш, ёшлар, аёллар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, нотинч ва ажрим ёқасидаги оилаларни ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муҳим топшириқлар берилди.